



Туркистонликларнинг шўро Русияси билан қуролли қураши давом этаётган бир вақтда, жаҳидларнинг кичик бир қисми (Бу гуруҳга яна қуйидагиларнинг даҳли бор эди: Рискул, Мунаввар Кори, Санжар Асфандиёр, Султон Хўжан, М. Тинишпаев, А. Бўкейхон, Н. Айтқ, А. Раҳимбой, К. Отабой, Тошхўжа, Ашурхўжа, Низомиддинхўжа, Турсунхўжа, Исмоил Саидваккос, Саъдулла Косим, Абдулла Карим, Султон Сегизбой, Акмал Иқром, шўро тутуми доирасида бу номлар Туркистоннинг энг салоҳиятли кишилари сифатида тақдим қилинади.) тахминан 1918 йилдан шўро давлати идораларида ва Туркистон коммунистик партия сафларига ўрнашиб, ўз мавқеларидан фойдаланиб, Туркистон миллий озодлик ҳаракатини зимдан олиб боришга интилдди.

Улар шўро русларининг Туркистондаги сиёсатини миллий манфаат ўзанига оқизишга ёки шўроларнинг шафқатсиз сиёсатини юмшатишга уриндилар. Бу гуруҳ яширин равишда Мунаввар Кори томонидан бошқарилар эди. Бу зот 1920 - 1922 йилларда Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳуриятининг таълим-тарбия ишлари бўйича Халқ комиссари бўлиб ишлади. Туркистон коммунистик партия ва давлат идора ишлари тизими ичида, ўз ўртолқари билан бирга, Туркистон «давлат» бўлиб шаклланиши учун шошилиш тайёргарлик қўрган ва уни муҳофаза қилишга бел боғлаган Турор Рискул

(Рискулов) алохида ажралиб турарди. Бундай ишлари билан Рискул ва фикрдошлари шўро рус рахбарлигининг Туркистонда олиб бораётган сиёсатига катта мухолиф бўлиб қолишди.

1919йил мартида Туркистон коммунистик партияси Марказий кўмитаси мусулмон бюроси бошлиги бўлгач, Рискул бу идорани рус коммунистларидан тузилган ТКП МК ва Рус коммунистик партиясига қарши кураш ташкилотига айлантирди. Мусулмон бюроси ТКП буйруғига итоат қилмай қўйди. Шу боис Туркистон коммунистик партияси анжуман ва кенгашлари каторида улардан алохида ҳолда ўзларининг анжуман ва кенгашларини уюштира бошлади. ТКП мусулмон бюроси ўзини 1919 йилда Туркистоннинг «энг олий партия ташкилоти», деб ҳам эълон қилган(История коммунистических организаций, 378-6; Вахобов. Формирование узбекской социалистической нации. - Ташкент: 1961, 308-6: «Мусулмон бюросидан қуч олиб турган бир гуруҳ миллатчи Туркистон комиссиясининг етиб қилишдан олдин Туркистон шўро идораларидаги муҳим мақсёларга ўрнашиб олдилар».).

1920 йил 12-18 январда Туркистон КП V анжумани билан бир қаторда «Мусулмон партияси» (коммунистлар) ташкилотларининг III конференцияси бўлди. Рискул бу конференцияда Туркистоннинг қелажаги ҳақида тайёрланган тезисини ўртага ташлади(Рус коммунистлари бу вақтда Туркистонда катта роль ўйнадилар. Конференциянинг беш нафар сўзга чиқувчисининг тўрттаси Туркистонга алоқаси йўқ коммунистлар эди: Элиава, Голошекин, Рудзутак ва Қуйбишев.). Рискул яна шу фикрларини кенгашга тақдим қилди:

1. Туркистон Мухтор шўро жумҳурияти Турк жумҳурияти деб номлансин.
2. Туркистон коммунистик партияси Турк Коммунистик партияси деб аталсин.
3. Мусулмон турк қўшини тузилсин ва мусулмон бўлмаган ҳарбий қисмлар Туркистондан чиқиб кетсин.
4. Турк жумҳурияти ўз мустақил ўқийўриғига (конституция) эга бўлсин.
5. Ташқи ишлар, ҳарбий, савдо ва молия сиёсати Турк жумҳурияти салоҳияти ҳисоблансин.

Мусулмон бюросининг III конференцияси бу тақлифларни яқдиллик билан қабул қилди. Шундан кейин Рискул Туркистон Коммунистик партияси V анжуманига юқоридаги қарор билан қатнашиб, Мусулмон бюросининг қарорини қаён қилди ва анжуман ҳам шу қарорни қабул қилишини тақлиф қилди. Туркистон коммунистик партияси V конференцияси ҳам қўпчилиқ иродаси билан шу қарорга қўшилди. Бу қарор маҳаллий коммунистларнинг рус ҳамфирқалари устидан дастлабки шубҳа уйғотмаган зафариди. РСФСР ҳукуматининг Туркистон жаҳҳаси ва РКП(б) Марказий кўмитаси раиси Элиава Рискулнинг фикрини маъқуллади. Комиссия аъзоларидан Рудзутак эса қарши чиқди. Комиссия аъзоларидан Голошекин ва Қуйбишевлар иққиландилар. Туркистон жаҳҳаси кўмондони ва айни замонда комиссия аъзоси бўлмиш Фрунзе 1920 йил феввалида Тошкентга қелди ва қарордан ҳабар топгач, унга қескин қарши чиқди. Фрунзе Туркистон жаҳҳасининг 24 февраль 1920 йил йигилишида қенгашнинг мазқур қарорига норозилик билдирди. Бу

хусусда Ленинга ҳам ёзди. РКП (б) Марказий кўмитаси 1920 йил 8 мартда бу қарорни бекор қилди ва қуйидагича қўрсатма берди: «Туркистон ерларида Марказий кўмитанинг энг юқори қўғонасида фақатгина коммунистик партия бўла олади. Маҳаллий кўмиталар эса миллий бюролар ва шўбалар ташкил қила олади. Туркистон партияси (коммунистик партияси - муаллиф) бир вилоят ташкилоти ваколатига эга бўлган Россиянинг бир парчасидир(История коммунистических организаций, 388-6.). Рискүл ва ҳамфикрлари (Турсунхўжа, Султонхўжа, А. Муҳиддин, И. Иброҳим, А. Али ва бошқалар) Москвнинг бу фармони қабул қилмади. 1920 йил майда Рискүл, Низомиддинхўжа ва Бек Ивановлардан иборат хайъат Москвга қелди. Бу вакиллар шўро раҳбарлигидан Туркистон жаҳхасини тарқатиб юборишни, Туркистон жаҳхаси инқилоб ва уруш шўбаси ҳокимиятини қегаралашни, руслар тузган қизил кўшинни Туркистондан қикиб қетишини ёки қуролсизлантиришни талаб қилди. Бундан ташқари, ташқи сиёсат, ташқи тиҷорат ва ҳарбий масалалар Туркистон марказий ижроия кўмитаси ихтиёрига ўтқазилишини истадилар(История коммунистических организаций, 426 - 427 б.). РПК МК, айниқса, Ленин Рискүлнинг талабномасини синқиклаб ўрганиб қикди ва 1920 йил июлида уни қатъий рад этди. Турккомиссия эса 1920 йил 19 июлида ТКП Марказий кўмитасини тарқатиб юборди, қунқи бу ерда Рискүл тарафдорлари қўпчилиқни ташқил қилаётган эди. Янқи ТКП МК тузилди(Ваҳобов. Формирование, 328-6.; Гордиенко. Творческая роль. 170-6. Россия коммунистик партияси Марказий кўмитаси 1920 йил 19 июлда тарихий бир қарор билан Рискүлов қуруҳига мойиллиқ қўрсатгани учун Туркистон коммунистик партияси Марказий кўмитасини тарқатиб юборишини эълон қилди. «Туркистон КП янқи МК нинг раиси қилиб Назир Тўрақулов тайинланди»). Янқи Марказий кўмитага ҳам Москв тўлиқ ишонмас эди. Шунинг учун 1920 йил 29 июлда РКП (б) МК ҳузурида «Туркистон бюроси» яратилди. Бу бюро 11 августдан бошлаб ТКП фаолиятини тўлиқ назорат остига олди. Бу бюро, табиийқи, русларнинг қўлида эди. Шунинг учун маҳаллий коммунистлар ўз қаршилигини давом эттирдилар(1920 йил 19 январида Қуйбишев Россия КП МК қотиби С. Д. Ста-совга шундай деб ёзди: «Рискүлов Шарқда шўро ҳокимияти учун ҳамон таҳликақидир». Қиёсланг: Устинов, Ленинская политика, 65-6.). Рискүл қуруҳи фикрлари тўсиққа учрағач, Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти ўқйўриги янқи шакл ва мазмун қасб этиши учун қураша бошладилар. Рискүл бу фикрни анча олдин - 1920 йил 17 январида ТКП МК Мусулмон бюроси, муҳожир коммунистлар бюроси ва Турккомиссиясининг муштарақ йиғилишида ҳам баён қилганлиқи маълум(Бу йиғилишда Рискүлов: «Туркистон этнографик ва бошқа бир қанча ўзига ҳос ҳусусиятларига қўра Турк жумҳурияти ҳисобланади. Туркистон ўқйўриги Россия ўқйўрининг айнан ўзи бўлиб қолган, шунинг учун уни қенг қўламда ўзқартириш лозим», - деди. Қиёсланг: Ваҳобов. Формирование, 327-6.). Бу тақлиф ҳам ўтмади. Қунқи РКП (б) МК ва РСФСР ҳуқумати 1920 йил 23 мартда Туркистон мухториятига оид янқи низом эълон қилди. Бу низомда Туркистон турк миллатининг мухтор жумҳурияти эмаслиқи, у бу ерда истиқомат қилаётган ва турли ўлкаларда яшаётган туркманлар, ўзбеклар, қирғизларнинг мухтор жумҳурияти бўлиб, РСФСРнинг(Гордиенко. Создание, 93-6.) «Туркистон мухтор жумҳурияти» номи билан аталиши ҳам қўрсатилган. 1920 йил 24 сентябрида бу «мухтор жумҳурият» учун янқи бир ўқйўрик ҳозирланди. Бу ўқйўрик бўйича барча муҳим қиловлар (ташқи сиёсат, муқоффа, ташқи савдо, бож, темир йўл, бюджет ва бошқалар) РСФСР ҳуқуматининг қўлига тутқазилди.

Шўро рус тутум (режим)ига қарши маҳаллий коммунистларнинг қаршилиқи айни пайтда 1918 йилда тузилган Туркистон мухтор шўроси социалистик жумҳурияти «Миллатлар

масаласи бўйича халк комиссарлигига» ҳам йўналтирилган эди. Бу ташкилотнинг биринчи комиссари туркистонлик Тошхўжа Ашурхўжа бўлган. Комиссарликнинг энг мухим бурчларидан бири шўро тутумининг гоёларини маҳаллий халк орасида кенг тарқатиш ва коммунистик асарларни ерлик халк тилида нашр қилишдан иборат эди(Vaidyanath, The Formation, 90-6. Бу комиссарликнинг бурчи ҳақида қаранг: ушбу асар, 92-6.). Миллий қаршилик гуруҳи бу комиссарликни 1919 йил сентябрида тарқатиб юборилишига мушарраф бўлди. Ташвиқот қилувчи ташкилотдан маҳрум бўлган шўро тутуми туркистонликлар билан алоқада оғир аҳволга тушди. ТКП МК 1921 йил 17 сентябрда ўзбеклар, туркманлар ва қирғизлар учун «шуъбалар» озчиликни ташкил қилган миллатлар: яҳудийлар, тожиклар, дунганлар, поляклар, литваликлар, украинлар, олмонлар, татарлар, бошқирлар учун эса «шуъбачалар» очиш билан бу комиссарликни қайта тиклади. Кизиги шундаки, ҳамма кичик, оз сонли миллатлар учун тузилган «шуъбачалар» ўша пайтда озчиликни ташкил қилган руслар учун тузилмади (1989-90 йилларда ҳам). Ўзбекистонда ва ўзга жумҳуриятларда бошқа миллатлар учун маданий марказ тузилгани ҳолда «Рус маданий маркази» ташкил қилинмагани ундан ҳам кизик - таржимон). Шунга қарамай, Туркистон миллатлари халк комиссарлиги миллатлар ҳуқуқлари ҳал қилинадиган бир марказга айланиб қолди. Кейинроқ, яъни 1922 йилда бу комиссарлик мутлақо тугатилди ва Туркистон Марказий ижроия қўмитаси қошида ерлик халк муаммолари юзасидан бир «комиссия» тузилди. Бу комиссиянинг вазифаси миллатчиликка барҳам бериш ва маҳаллий халқни шўро тутумини яратишда иштирок этишини таъминлашдан иборат эди(Уразаев. Ленин и строительство, 233-6.). Бу ҳолатлардан кўриниб турибдики, ўзини Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти деб атаб қурашаётган ҳукумат асли маҳаллий халқ - туркистонликлар учун бегона, ёт нарсаси эди. Бу ҳукуматга қарши Туркистон қаршилик гуруҳи узок муддат қурашди. Шўро давлати ва партия ташкилоти ичида фаолият кўрсатаётган гуруҳнинг Москвадан қилган энг мухим илтимосларидан бири Тўрғай вилоятини Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳуриятининг таркибий қисмига айлантириш эди. Туркистон Марказий ижроия қўмитасининг мазкур ўлканинг вакиллари ҳам иштирок этган 1919 йил 12 июнь йиғилишида Тўрғайнинг Туркистонга қўшилиши қарорлаштирилди. Айтилган замонда ТМШСЖининг Москвадаги масъули РСФСР Халқ комиссарлари шўросидан Октябр ва Темир вилоятлари Қозоқ ўлкасидан Туркистон ҳокимиятига ўтказилишини ҳам талаб қилди. Бу йўл билан миллий қаршилик гуруҳи Туркистоннинг яхлитлигини сақлаб қолмоқчи эди. РСФСР бу талабни ҳам рад этди, яъни Қисқул ва маслакдошларининг ҳамма талаблари ҳар сафар рад қилинди. Шунинг учун улар ҳокимият доирасида фаолият кўрсатган даврида факат рус ҳокимиятининг кенг тарқалишига тўсқинлик қилиш билан чегараланишдан бошқа чораси йўқ эди. 1919 йил 5 сентябрдаги шўроларнинг VIII анжуманида Халқ комиссарлари шўроси тарқатиб юборилди. Бу вақтда Қисқул Туркистон Марказий ижроия қўмитаси раиси эди. Бекор қилинган шўро ўрнига мудоффа, молия ва маданият шўролари тузилди. Бу шўронинг идорасини Қисқул шахсан ўз қўлига олди. Аммо Турккомиссия 1920 йил мартда бу шўрони ҳам бекор қилиб, халқ комиссарлари шўросини янгитдан яратди. Халқ комиссарлари шўросининг раиси эса Рудзутак бўлиб қолди(Я. Х. Петерс 1919 йилда Россиянинг фавқулодда комиссияси (ЧК) раисининг вакили ва комиссия аъзоси бўлиб, Туркистондаги жазо идораларининг назорати ва бошқаруви бўйича жавобгар эди. В. П. Ногин Туркистондаги ҳаёт оқими йўналиши бўйича масъул бўлса, Суриц ташқи сиёсат масалаларини назорат қилиш ва йўналтириш бўйича масъул эди. Қисқланг: Уразаев. Ленин и строительство, 308 - 309 б.).

Туркистон комиссияси билан миллий каршилиқ гуруҳи ўртасидаги ихтилоф нихоятда кучайди. Шунга карамай, шўро раҳбарияти 1921 йил 17 ноябрида уч нафар туркистонликни Турккомиссияга аъзо қилиб олишга мажбур бўлди: Раҳимбой - Туркистон Марказий Ижроия кўмитасининг бошлиғи, Отабой - Халқ комиссарлиғи шўросининг назоратчиси ва бошқарувчиси; Тўракул - Коммунистик партия ташкилий масалалари масъули. Бирок русларнинг бу лутфи миллий ихтилоф бартараф бўлганлигини англатмас эди. Чунки ҳамон аввалгидай муҳим ҳокимият тизгинлари ишончли руслар қўлида эди.

Миллий каршилиқ гуруҳи билан Московдаги шўро раҳбарияти орасида Туркистон масалалари бўйича тор-тишувлар, Туркистонни парчалаш арафасида (1923 -1924) нихоятда кескинлашди. Шўро давлати ва партия ташкилотида фаолият кўрсатиб келган илгор туркистонликлар 1924 йилгача Туркистонни бўлиб юборишга ҳалакит беришга интилдилар. Улар муайян зафарга эришдилар ҳам: парчалашни кечиктирдилар. 1924 йил 31 январда РКП (б) МК нинг ташкилий бюроси РКП (б) МК қотиби Рудзутакни Туркистон, Бухоро ва Хоразмни қайта тузиш учун Тошкентга юборди. 1924 йил 10 мартда Туркистон коммунистик партияси МК ва Тошкент партия ташкилотининг қўшма мажлиси бўлди.

Бунда Рудзутак ҳам иштирок этди. Москов янги режасига ТКП қотиби Абдулла Раҳимбойни ҳам қўндирганди. Туркистонни қайта бўлиш юзасидан турли қарашлар ўртага ташланди. Унда Ўрта Осиё иқтисодий шўроси раиси М. А. Паскутский ягона «Ўрта Осиё жумҳурияти» номи билан Туркистонни бирлаштиришни таклиф қилди.

Туркистонлик Султон Хўжан эса бу мажлисда «Туркистонни алоҳида-алоҳида жумҳуриятларга ажратишнинг иложи йўқ. Чунки «ўзбек», «туркман» каби миллатларнинг ўзи йўқ, миллий таснифга кўра турк уруғларига «ўзбек» ва «туркман» деб бир сифат берилади», - деб диққатни жалб қилди (Чугаев. История национально-государственного строительства в СССР в переходный период от капитализма к социализму. - Москва: 1968, 395-6; Vaidyanath, The Formation, 107-6.).

Табиийки, Москов бу йигилишда ҳам қолиб чиқишини биларди. Парчалашга қарши турли томондан норозилик ёғилишига карамай, туркистонликларнинг Султон Хўжан бошчилигидаги қисми фикри эътиборсиз қолдирилди (Шўро тарихчиларига кўра: «Буржуа миллатчилари Бухоро жумҳуриятини миллатларга қараб тартибга солишга доим эҳтиёт бўлишган. Баъзи маъмурлар Хоразм жумҳуриятини қадимги Хоразм давлатининг бир қисми сифатида қараб қолишни талаб қилдилар. Коммунистик партия ва шўро ҳукумати душманлари давлатларни миллатлар асосида ташкил қилишга очикдан-очик қарши чиқдилар». Киёсланг: Режебов, Таджикская ССР, 149 - 151 б.).

Қандай бўлмасин, Московнинг режаси амалга ошмаслиги учун астойдил ҳаракат қилган миллий каршилиқ гуруҳи жўнгина қилиб айтганда, «Ўрта Осиё иттифоқи» (Туркистоннинг илгор коммунистлари РКП МК Ўрта Осиё бюросининг 1924 йил 28 апрель тарихий йигилишида «Ўрта Осиёда бир Ўрта Осиё федерацияси ташкил қила оладиган Мухтор жумҳуриятлар тузиш лозимлигини ҳимоя қилдилар». Қаранг: Уразаев, Туркестанская АССР, 194-6.), «Буюк ўзбек давлати», «Ўрта Осиё эркин уруғлари бирлиги», «Буюк козок давлати», «Фарғона учун Мухторият ҳаққи» ва «Бухоро, Хоразм жумҳуриятларининг яшамаси» номлари билан ягона Туркистон фикрини илгари сурдилар. Бу фикрлар ҳам шўро раҳбарияти томонидан қатъий рад қилинди.

Миллий қураш 1924 йилдан сўнг турк уруғлари асосида шўро жумҳуриятлари ташкил қилингандан кейин янада кучайди. Шўро тадбирларини рад қилиш ва туркистонликларнинг сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётининг миллий ўзига хослигига мослаб

юретишга интилиш бўлди. Масалан, Ўзбекистон Халк комиссарлиги раиси Файзулла Хўжа ҳамда Ўзбекистон шўро СЖ кишлоқ хўжалиги Халк комиссари Хидирали жумхурият ташкил бўлган кунларданок бутун ҳокимиятни ўзбекларга топширишни талаб қилишди. Бу хусусдаги қарашларини Ўзбекистоннинг мустақил бир давлат сифатида СССР таркибига кирганлиги билан изоҳладилар. Шундай йўл билан Москов буйруғига иттифоддан бош тортардилар (Очерки истории коммунистической партии Узбекистана, 161-6.). 18 нафар кўзга кўринган коммунист Хидирали бошчилигида ўз хизмат вазифаларини бажаришида Москownинг аралашшига норозилик билдириб, ЎЗ КП МК га мактуб йўлладилар. Бу мактублардан олдинроқ улар Файзулла Хўжанинг уйида йиғилишди. 1926 йили Ўзбекистон таълим-тарбия Халк комиссари Раҳим Иноғом ўғли Москownдан юборилган маъмурлар билан ҳамжихатлик қилишга эътироз билдирди ва «жумхурият»ни бошқаришни миллий ҳокимиятга топширишни талаб қилувчи гуруҳ тузди. Иноғом ўғли Туркменистон ССР КП раҳбари Тумайўғли билан бирга РКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг бекор қилинишини талаб қилди. Қозоғистон Мухтор шўро социалистик жумхурияти Халк комиссарлари шўроси раиси Исмоил Ваккас миллий қурашга раҳбарлик қила бошлади. У 1928 йили очикчасига шундай ёзди: «Марказий ташкилотлар (Москownдаги - муаллиф) миллий масалаларни менсимаслиги ошқор бўлди» (Кучкин. Советизация, 115-6., («Болшевик», 1928,1-сон, 59-бет].).

Бойтурсун 1932 йилда шундай ёзган эди: «Биз қозоқлар Қозоқ жумхурияти деб номланишидан мамнунмиз. Фақат бу жумхуриятнинг мундарижаси бизга тегишли эмас. Унинг эгаси ҳам биз эмасмиз» (Кучкин, 71-6.). 1925 йили бошқа бир маҳаллий коммунист, қозоғистонлик Мингбой қуйидагича ёзганди: «Етти йилдан бери эзилишга чидаб келяпмиз. Бундан кейин бунга чидай олмаймиз. Мамлакатимиз идорасини ўзимизга беринг» (Кучкин, 171-6.). Ошқора айтилган бу талаблар 1937 - 1938 йилларгача давом этди. Шўро раҳбарияти ҳеч бир сир бермасдан, пинагини бузмай, бундай талабларни тингларди. Айни шу раҳбарлар 1923 йили Султон Хўжан ва Акмал Икромовларнинг шикоятларини, талабларини бепарво тинглаган эди. Уларнинг «Туркистонда фақат Русиянинг муҳри ўтадиган бўлди» деган гапига Сталин ҳафа бўлиб, шундай жавоб берганди: «Агар шу гап тўғри бўлса, у ҳолда босмачилар ҳақ, биз ноҳақмиз. Туркистон чор Русияси давридаги қаби, ҳақиқатан ҳам, мустамлақа бўлса, у ҳолда яна босмачилар ҳақдир. Бундай вазиятда Султон Ғалиевни биз маҳкум этишимиз эмас, у бизни маҳкум этиши керакдир» (Ваҳобов. Формирование, 407-6.).

Туркистоннинг «маҳаллий коммунистлари» Москownда турк қавмлари манфаатини ҳимоя қилиш ва мавқеларидан фойдаланиб, туркистончилар яқдил бўлиши фикрини ёқлаган ва яхлит «Турон давлати» тузилишини ҳаёл қилган Султон Ғалиев билан бирга бир сафда турдилар (Мирсаид Султон Ғалиев Уфа минтақасидаги Қирмиз қалъада 1890 йилда туғилди. Мадраса ва рус ўқитувчилик семинарияларида ўқиб, то 1917 йилгача ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1912 йилдан буён «реформист» сифатида танилган. 1917 йил 19 мартда ташкил қилинган «Мусулмон социалистик анжумани»нинг асосчиларидан бири. Шу йили бутун Русия мусулмонлари марказий шўроси қотиби бўлди. Шўро ҳокимиятидан олдин миллий шуурли социалист эди. Шўро ҳокимияти билан у коммунист ва турк қавмлар орасида коммунистик ҳаракатнинг ташкилотчиларидан бирига айланди. Унинг гоёси турк қавмларнинг барчасини бир давлат ичида саклаш. Яна бир бошқа гоёси Шарқдаги мустамлақа миллатларининг байналмилал бирлигини қуриш ҳам эди. Туркистон мустақилликка эришуви учун ҳаракат қилди. 1923 йили ҳокимиятдан четлатилди ва ҳибсга олинди. Ўлимга ҳукм қилиниб, кейин афв этилди. Унинг шахси ва тушунчасининг

шаклланиши хакида қаранг: Benninges et Lemencier Qualquejoy, Les mouvements nationaux chez les Musulmans de Russe: Le Sultangaleyevizme an Tatarstan, Paris - The Hague. 1960; Аршаруни-Губайдуллин, Очерки панисламизма, 76 - 90 б.; Шарапов, Националь-Нбие секции, 89 - 198 б.).

1936 йили Шўро иттифоқи ўқийригининг музокаралари асносида ерлик коммунистлар фаолиятлари қайтадан жонланди. Иттифокдаги ҳар бир жумҳурият ўз парламенти қарори билан иттифокдан чиқиб кета олиши ва Шўро иттифоқи парламентиға мурожаат қилмасдан қарорлар қабул қила олишини Шўро иттифоқи ўқийригида қафолатлаши талаб қилинди. Шўро раҳбарияти бу талабларни рад этди. Муҳолиф кучлар 1923 йилдаёқ Туркистонға дахли бўлган РСФСР Марказий кўмитасида тайёрланадиган қарорлар ва қонунлар лойиҳаси аввал жумҳуриятдаги тегишли идораларда ўрганилиши бўйича уринишлари ҳам натижасиз тугаган эди. Шўро идораларидаги айрим юқори мансаб эгалари бўлмиш оз сонли туркистонликлар ўз мавқеларидан фойдаланиб, ҳамюртларининг чегараланган имқониятини бироз бўлса ҳам қенгайтиришға ҳаракат қилдилар. Ўзбекистон Олий Маҳкамаси раиси Саъдулла Қосим бу борадаги хизматлари билан намуналидир. НКВД босмачи ёки антисовет деб одамларни маҳкамага топширган вақтда Қосим бундай «жиноятчи»лар билан ҳамдард бўлиш, уларни тушуниш ва имқони борича оқлаш хакида кўрсатма берарди. Шўролар унинг бундай иш тутишини фақат 1929 йилдагина ошқор қилди ва у 1930 йилда ўз шериклари билан бирға Самарқандда ўлимға ҳукм қилинди»(С. Қосим билан бирға қуйидагилар устидан ҳам жинойи иш кўзгатиқди: Бадриддин Шариф - бош прокурор, Мирсоат Зоқир -Тошқент маҳкамаси раиси, Иброҳимхўжа - Мирзачўл маҳкамаси раиси, Насриддин олим - тошқентлик бой, Акбар Самигжон - тошқентлик савдогар. Бу ҳақда тўлиқ маълумот учун қаранг: М. Чўқай, Саъдулла Қосим маҳкамаси, УТ, 1930, 7-8 сон, 12 - 21 бетлар.).

Туркистоннинг илғор қишилари давлат ва коммунистик партия ичида ва ундан ташқарида яширин ташкилотлар ташқил қилиш шаклида қаршилиқни давом эттирдилар.

Ҳадидларнинг «Ислоқ шўроси» ташқилоти Мунаввар Қори бошчилигида 1920 йилғача маъжуд бўлди. 1921 йил июлида Мустафо Қамол пошонинг кўрсатмаси билан Туркия Буюқ миллат мажлиси миллат вақили Исмоил Субҳи Сўйсалли ўғли Бухороға қелди. Унинг ташаббуси билан ўша йили «Туркистон миллий бирлиги» ташқилоти тузилди. Бу ташқилотға Заки Валидий-нинг раислиги ҳам Исмоил Субҳи тавсияси билан бўлди. Бундан кейин «Миллий иттиҳод фирқаси» майдонға қелди. Унинг йўлбошқиси шўро давлати доирасида бошқариш ишлари бўйича машҳур бўлган Файзулла Хўжанинг шаҳсан ўзи эди. Собик «Туркистон миллий бирлиги» ташқилотидаги Заки Валидий, Усмонхўжа ва муфти Садриддинхонлар хорижға қетдилар. «Миллий иттиҳод фирқасини 1937 йилғача Файзулла Хўжа бошқарди. Мазкур партия тузилиши арафасидан (1922) 1937 йилға қадар Ўзбекистон Компартияси биринчи қотиби Акмал Иқромов томонидан тузилган ва ўзи раҳбарлик қилган «Миллий истиклол» фирқаси ҳам вужудға қелган эди. Қозогистонда «Алаш Ўрда» яширин равишда фаолиятини давом эттирди. 1930 - 1938 йилларда қатагонға учраган, шўро сиёсий ҳаётида қатнашган барча туркистонликлар юқоридаги миллий ташқилотларнинг бирортасиға аъзо эдилар. Яширин миллий партия ва таш-қилотларнинг бирдан-бир гоёси - Туркистонни миллий озодлиққа олиб чиқиш эди. Туркистонлик сиёсатчилар билан баробар Туркистон шоирлари ҳам қалам билан қаршилиқ кўрсатишда давом этдилар. Булар доираси Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Боту, Элбек, Мағжон, Мирёқуб, Дўлат, Тиништон, Хидир Дарё ва бошқалардан иборатдир. Булардан Фитрат умумий бир ташқилот воситасида шоир ва тилшуносларни миллий

уйғониш йўлига бошлашга бел боглади. Ана шу мақсадда 1919 йили «Чигатой гурунги» жамиятини тузди. Бу жамият 1922 йили шўро маҳкамалари томонидан йўқ қилинди. Шундан кейин маъмур жамият аъзолари руслар томонидан ташкил этилган «Кизил қалам» жамиятига қирдилар ва бу жамият ҳам миллий фикр марказига айланди. 1932 йилда бу жамиятни ҳам ёпишгач, унинг аъзолари «Шўро ёзувчилари уюшмаси»га қирдилар. Аммо тараққийпарвар адиблар бу ерда ҳам шўро раҳбарияти мафқураси талабларига қўнмай, ўз қарашларини оммалаштиришда давом этдилар. Фақат бу миллатпарвар шоирларнинг баъзилари, масалан, жаҳид адабиётида 1917 йилдан аввал ҳам муҳим роль ўйнаган мутафаккир Абдулла Авлоний 1934 - 1935 йилларда шўроларнинг таъйини остида овозини ҳам чиқара олмади. Истеъдодли романнавис Абдулла Қодирий фавқуллода қобилият эгаси бўлганлиги учунгина қарашларини турли йўллар билан ифода қилди. Ўзига қарши зўрлик қўлланганидан ҳам қўчмаган Чўлпон ёлғиз ўзи очик маърифатпарварлик ижодини давом эттириб, 1938 йилда қатл қилинганга қадар ўз миллатининг изтиробларини тараққий этди.

Миллий қаршилик ўз муқаддас мақсадига эриша олмади. Аммо у янги бир авлоднинг майдонга қўлланганига қадар барча зулм ва маҳкаматларга қўнмай лозим эди. Миллий қаршилик ҳаракати илғор қисмининг деярли барчаси 1937 - 1938 йилларда қўбсга олинди. Уларнинг ақсарияти қатл қилинди (Қўлга олинган ва қатл қилинган туркистонликлар жуда қўп. Шунинг учун ҳам уларнинг номини бу ерда зикр этишнинг имкони йўқ. Уларнинг ҳаёти, гоёси ва вафоти ҳақида қенгрок ва муфассал маълумотлар беришни қўлажак авлоддан қўтиб қоламиз.). Қўбсга олинганлар орасида шўро тутумига қадокат билан хизмат қилиб қўлланган, кейинрок миллатпарварларга қўйиллик қилдирган Назир Тўрақул (Назир Тўрақул Турор Рискўлнинг гоёвий рақибидир. 1920 - 1922 йилларда ТҚП МҚ қўтиблик қилди. 1922 - 1928 йилларда Мосқовдаги миллатлар нашриётининг қўдири. 1919 - 1936 йилларда СССРнинг Саудия Арабистонидаги қўққ элқиси. 1937 йилда турк тиллари бўйича таққикот олиб қўриш ниъти қўр эди. Шу йили август ойида қўлга олинди. Тақдири номаълум. Қиёсланг: «Шарк Юлдузи», 1968, 11-сон, 220 - 224 бётлар.) қўблар ҳам қўр эди. Шундай қилиб, Русия раҳбарияти 1918 йилдан қўри давом этиб қўлаётган зиддиятларга ва қўлишқовчиликларга зарба қўрди. Саҳнага янги бир авлод қўқди. Бирок бу авлод ҳам шўро тутумига қадокатли эмаслиги сезила бошлади. Натижада, шўро ҳуқумати ҳоқимиятини мустанқамлаш учун маҳаллий маълумларни ўз вазиқаларидан узоклаштиришга қўришди. Шўро раҳбарияти 1956 йилда Мосқвининг бош қиёсатига қаршилик қўрсатган, партия ва давлатга зид ҳаракатлар қўлган ва «ишонқсизлик» қилдирган бир қатор туркистонликларни партия ва давлат идораларидан қўтлаштиришга мажбур бўлди (Уларнинг орасида, масалан, тубандагилар ҳам қўр эди: Қирғизистон ССР ички ишлар нозири Муҳамбет Исаев (1961 йил феввалида қўлга олинди). Тожикистон ҚП нинг биринчи қўтиби Турсунбой Улжабой, Тожикистон нозирлар шўроси раиси Назаршо Додқудо, унинг ёрдамқиси Дадабой ва Тожикистон ички ишлар нозири ёрдамқиси Қосимлар «Партия ва давлатга қарши ҳатти-ҳаракатлари» учун 1961 йил 12 апрелда ўз вазиқаларидан бўшатилиб, партиядан ўчирилди. ҚТ, 1961 йил 14 апрель. Турқманистон ҚП МҚ 1-қўтиби Суҳан Бобоев, 2-қўтиби М. Дурдиева «партия ва давлат манқаатла-рига етқазган қатта зарарлари теғди», деб 14 декабрь 1958 йили вазиқасидан қўтлаштирилди. Қиёсланг: ТИ, 20.1.1959, 3 - 4 6; 1961 йил 9 майда Қирғизистон ҚП МҚ I қўтиби Исоқ Раззоқов ва Қирғизистон нозирлар қенгаши раиси Қ. Диқамбай «партия ва давлатга қарши ҳдракатлари» учун ишдан қўтлатилдилар. Қиёсланг: СҚ, II май, 1961 йил. Қозогистон нозирлар қенгаши раиси Салқен Дауленов

хам «миллатчилик ҳаракатлари туфайли» вазифасидан озод килинди. Киёсланг: КП, 26 декабрь, 1962, 3-бет.). «Хизмат кўрсатган» бутун туркистонлик эски коммунистларни миллатчи ва халқ душмани сифатида қоралагач, Туркистон ёшларига ўзларидан олдинги ҳаммиллат коммунист раҳбарлари ҳақида лом-мим дейилмайдиган бўлди. Ораларида биронта ерлик коммунист раҳбар бўлмагани ҳолда Туркистонда коммунистик ҳаракат фаолият кўрсатиши шубҳа уйғотиши мумкинлигини ҳисобга олиб, шўро раҳбарлари 1956 йилдан аввал қатл қилинган бир қатор туркистонлик арбобларнинг янгидан эътиборини тиклашга зўр берди ва уларни «Шарқда коммунизмнинг юлдузлари» ёки «миллатнинг энг яхши фарзандлари» деб эълон қилди («Шаънлари тикланган» партия ва давлат арбоблари орасида Турор Рисқул ҳдм бор эди. «Эътибори тикланиши»дан аввал шўроларнинг у ҳақдаги фикрлари ҳақида қаранг: Hayit, Sowjetrussischer kolonialismus, 57-6.).

Миллий қаршилик ҳаракатида ислом дини коммунизмга қарши ғавқулодда бир қалқон сифатида хизмат қилди. Ислом динига қарши урушда давлат воситаларидан қенг фойдаланилган бўлишига қарамай, бу дин тўлиқ ўзини ҳимоя қила олиш имконига эга эканлигини намойиш қилди ҳамда маънавий ҳаётда шўро тутумининг муносиб рақиби сифатида яшашда давом эта олди. Ёшларни атеизм руҳида тарбиялаш натижасида уларнинг баъзилари исломга қарши қайфият уйғотилди ҳам. Аммо ёшларнинг жуда катта қисми ислом динидан ажралмади. Чунки ислом дини таълимоти кўзга унча ташланмайдиган гуруҳ томонидан ҳамда оилада ота-оналаридан ёшларга сингдириб қорилди. Шўро тузуми ислом динини тамомла йўқ қилишга қанча уринмасин, асл мусулмонлар исломнинг барча қонунларда қишлоқ онгининг соҳиби бўлиб қолишини исботладилар (Туркистондаги ислом масалаларига (тараккиёти, оқ қодшо ва шўро давридаги ҳолати, ўзини ҳимоя қилиш учун ҳаракатлари, алоҳида ислом арбобларининг қайратлари, миллий ва диний ҳаракатнинг қайлиқлашиши, исломнинг коммунизмга қарши қураши) илмий-тадқиқот ишларида қам эътибор қорилган. Hans Brakernung «Kommunismus und Weltreligionen Asians, қилд I. I-қўлим, Mohr Verlag, Tübingen. 1969, қонли қитоби бундан муқасасно. Бундан бошқа Туркистондан ташқарида бир қатор мақола ва қитобчалар ҳам маъжуддир. Масалан, 1963; (396 - 442 6); 1963; 1956; «Ўроқ ва болға остида мусулмонлар», 1952, 3-қон, 85 - 90 6.; 1960, 160 - 167 6.; 1958, 1-қўлим, 1959, 2-қўлим ва бошқалар.).

Ҳозирги қунда қиқрий қураш, асосан, Туркистоннинг ўтмишини қонлантирадиган тарихни қуқур қилиш қилими ва миллий шуурни ардоқлаган адабиёт майдонида ўз қучини кўрсатмоқда. Ҳанузгача маъқеини йўқотмаган бу миллий қаршилик қураши шўролар томонидан «миллатчилик» сифатида бақоланмоқда (Туркистондаги миллатчилик ҳақида шўролар тушунқаси тақминан шундай эди: «Миллатчилик, миллий ўзига ҳосқикни тараккий эттириш, ўтмишни (муқамлақа бўлишдан олдинги қонунлар - муаллиф) ва миллий ўзига ҳос вазифаларни қуқайтириш қилан юзага қикади. Киёсланг: ҚУ 25.9.1961, 2-6. Ўзбекистон ҚП МҚ 1-қотиби Шароф Рақидов 1969 йил маида шундай ёзган: «Миллатчилик қолдиқларининг қонланиб қолганлигини унутмасқик қерақ. Шу қолда уларга қарши қурашилмаса, бу қолдиқлар муштарак қараёнимизга қатта зарар етқазади». Киёсланг: «Ўзбекистон коммунисти», 1969, 5-қон, 24-6. Туркистондаги миллатчилик ҳақида қаранг: Қарида, 1965, 41-қон, 3 -216. Ушбу қони Туркистондаги миллийлиққа бақилланган.). Шўро ақлоқ тушунқасига қарши миллий ва анъанавий одатларнинг умрини узайтириш қилан ҳам миллий қаршилик ҳаракатининг бир шакли давом этаётир (Қотонов, 0 национальншх традициях қародов Средней Азии. - Фрунзе:

1964,21-6.: «Миллий анъаналар жамият томонидан кенг татбиқ этилган одатлардир», деган катъий фикрдадир. Бу фикр, айниқса, Туркистон учун тааллуқлидир. Зеро, одатларнинг муҳофазаси миллий қаршиликнинг ажралмас қисмидир. Одат доирасидаги оила ҳдёти тарзи анъананинг бир қалқони сифатида ўз мавжудлигини қўриқламоқда. Оила аъзолари орасидаги боғланишлар асосини ҳеч қим қўпора олмагандир. Оила бошлигининг обрўси ҳдмон ўз қучини сақлаган. Туркистонча оила ҳаёти мавжуд экан, «совет қишилари» ясаш мумкин эмас. «Халқ одатларининг социалистик мазмун қасб этиши зарурлиги»га доир шўролар истаги рўёбга қикмади (Қиёс: СК, 11,6.1960).). Шунга эътибор бериш лозимки, Туркистонда турк ва муқулмон халқлари ҳаёт экан, мустамлақачилар ҳоқимиятига қарши чексиз қураш мудом давом этажакдир. Уруғлар асосида ташқил қилинган маъмурий бўлиниш ҳам бу қурашга «тўсик» бўла олмаслигини таъқидлаб ўтиш лозим.

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" қитобидан